

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РнD03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР САҒДУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН *DRACOSERHALUM* L. ТУРКУМИ
ТУРЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ

03.00.05 – Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон – 2020

УЎК: 581.9. 581. 55.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижас

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаева Нилуфар Сағдуллаевна

Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* L. туркуми турларининг географияси, экологияси ва аҳамияти..... 3

Абдуллаева Нилуфар Сағдуллаевна

География, экология и значение видов рода *Dracocephalum* L. в Узбекистан.19

Abdullaeva Nilufar Sagdullaevna

Geography, ecology and value of genus species *Dracocephalum* L. in Uzbekistan.....34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works38

**ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР САҒДУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН *DRACOSERHALUM* L. ТУРКУМИ
ТУРЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида B2017.3.PhD/B101 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ҳожиматов Олимжон Қаҳхарович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўхтаев Бобокул Ёркулович**
биология фанлари доктори, профессор

Абдураимов Озодбек Султонович
биология фалсафа фанлари доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» июнь куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25, факс (+99867) 225–39–25, E–mail: glsuinfo@edu.uz.)

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25

Диссертация автореферати 2020 йил «15» июнь куни тарқатилди.
(2020 йил «15.» июнь № 2 сонли реестр баённомаси)



 **Х.К.Каршибаев**

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси б.ф.д., профессор.

 **Ф.П.Гаибназарова**

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби. б.ф.ф.д.

(PhD), доцент

 **С.Дадаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда табиий бойликлардан турли иқтисодий, ижтимоий-маиший мақсадларда жадал фойдаланилиши биологик хилма – хилликнинг ўзгариши ва камайишига олиб келмоқда. Бу ҳолат ўсимлик турларининг камайишини, флоранинг ўзгаришини, трансформацияси ва биологик маҳсулдорлигининг пасайишини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан, биохилма-хилликни тадқиқ этиш, флоранинг турлар таркибини рўйхатга олиш, фитоценотик ҳолатини аниқлаш, табиатдаги захираларини сақлаб қолиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда, доривор, эфир мойли ва камёб ўсимлик турларининг тарқалиши, экологияси ва муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсад йулида биохилма-хилликни минтақалар бўйлаб ўрганиш, камёб турларни аниқлаш, уларнинг табиатдаги захираларини кўпайтириш ва муҳофаза қилиш мақсадида турли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси доирасида биохилма-хилликни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш масалалари иқтисодиётнинг барча тармоқларига интеграцияқилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири замонавий геоахборот технологиялари (ГАТ) асосида биохилма-хилликнинг давлат кадастри ягона ахборот маълумотлар базасини яратиш ҳисобланади¹. Республикамиз флораси таркибини замонавий тадқиқот методлари асосида аниқлаш, ўсимликлар қопламанинг ҳолатини баҳолаш, муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутаяди. Флористик тадқиқотлар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ва янги маълумотлар кўлами ортиб бораётган бир вақтда биохилма-хилликни сақлашга хизмат қиладиган тизимли тадқиқотларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилады.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги № 484 сонли “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Dracoscephalum* туркум турларининг систематикаси, географияси, фитокимёси бўйича хориж олимлари B.G. Bentham (1832), A. A. Bunge (1835), P.E. Boissier (1844-1859), В.И. Липский (1887), John Isaac Briquet (1907), С. Н. Кудряшев, (1934), Б.К. Шишкин (1954), Andras Zoltan Kakasy (2005), Rahbarian P. (2010), Ali Sonboli (2011), K. Moradi (2012), Ye. M. Suleimen (2016), M. Khodaei (2017) лар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

МДХ давлатларида сўнгги йилларда *Dracoscephalum* туркуми турларининг систематикаси, географияси А.Л.Буданцев (1993), биоморфологияси, ценопопуляцияларининг замонавий ҳолати, онтогенез босқичлари Г.Р.Денисова (2006), фитокимёси А.С.Никитина (2008), Н.О.Гнатюк (2010) А.М.Мяделец (2012), Болқон ярим оролида тарқалиши Predrag Lazarević (2009), маданийлаштирилган турларига табиий ва экологик омилларнинг таъсири М.Ю.Лавруков (2012), интродукция шароитида уруғ хосилдорлиги Л.А.Котюк (2013) томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда *Dracoscephalum* L. туркуми турларини ўрганиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Адабиётларда келтирилган маълумотлар туркум турлари тўғрисидаги саволларга етарли жавоб бермайди. Ваҳоланки, туркум турлари тўғрисидаги айрим маълумотлар Қ.З.Зокиров (1961), А.М.Махмедов (1991) Х.М.Худайберганов (1991), Т.Х.Худайбердиев (1996), Г.Гаффаров (1991), З.У.Музаффарова (1993), А.Газыбаев (1994), Н.Ю.Бешко (1999), О.Қ.Ҳожиматов (2008), К.Ш.Тожибаев (2010), З.О.Тошматовларнинг (2018) илмий ишларида учрайди. Бироқ, бу тадқиқотлар Ўзбекистонда тарқалган *Dracoscephalum* туркуми турларининг географияси, экологияси ва дориворлик хусусиятларини тўлиқ очиб бера омайди. Шунга кўра, туркум турларининг табиий шароитда биоэкологик хусусиятларини, ценопопуляцияларининг демографик кўрсаткичларини, халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг А7-ФА-0-19606 «Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллигининг маълумотлар базасини яратиш» мавзусида олиб борилган амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон флорасида *Dracoscephalum* туркуми таркибини аниқлаш, тарқалиши, экологияси, онтогенези ва аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон флорасида *Dracoscephalum* туркуми турларининг флористик таркибини аниқлаш;

туркумтурларининг Ўзбекистонда тарқалишини, ботаник-географик округ ва районларида тақсимланишини тавсифлаш;

Dracocephalum diversifolium ва *Dracocephalum nuratavicum* турларининг биоморфологик хусусиятларини таҳлил этиш;

туркумтурларини ценопопуляцияларини тавсифлаш;

Dracocephalum туркуми турларининг ахборот таҳлиliga эга бўлган маълумотлар электрон базасини яратиш ва ГАТ хариталарини тузиш;

туркум турларининг фитокимёси ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини таҳлил этиш;

Тадқиқотнинг объекти *Dracocephalum* туркумининг *D. adylovii* I.I.Malzev, *D. discolor* Bunge, *D. diversifolium* Rupr., *D. formosum* Gontsch., *D. imberbe* Bunge, *D. integrifolium* Bunge, *D. karataviense* Pavlov & Roldugin, *D. komarovii* Lipsky, *D. nodulosum* Rupr., *D. nuratavicum* Adylov, *D. nutans* L., *D. oblongifolium* Regel, *D. royleanum* Benth., *D. scrobiculatum* Regel, *D. spinulosum* Popov турлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Dracocephalum* туркуми турларининг тур таркиби, биоморфологик хусусиятлари, ценопопуляцияларнинг структура тузилиши кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда геоботаник, морфологик, биометрик, статистик ҳамда ГАТ хариталар тузиш, олинган экстракт фракциялари таркибини текширишнинг ГХ/МС замонавий усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Dracocephalum diversifolium*, *Dracocephalum nuratavicum* турларининг табиий шароитда биоморфология ва онтогенези асосланган;

Илк бор Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* туркумитурларининг турли экологик-фитоценотик шароитларида 9 та ценотик популяциялари аниқланган;

ахборот таҳлиliga эга бўлган “*Dracocephalum* L. туркуми турларининг маълумотлар базаси” номли электрон дастурли база яратилган;

Ўзбекистон флорасида тарқалган *Dracocephalum diversifolium* қуруқ ер устки қисми экстракти эфир мойи таркибидан 50 та, бензин экстрактидан 30 та компонент, этил ацетатли экстрактидан ноёб флавоноид апигенин-7 ва акацетин 7-гликозиди ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тасниф этилган ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолати, турларнинг экологик-ценотик хусусиятлари очиқ берилган;

Dracocephalum туркуми турларининг тарқалиши, экологияси, ценопопуляцияларининг демографик ҳолати, популяциялар зичлиги, ареалининг қисқариш сабаблари ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига оид янги маълумотлар, табиатни муҳофаза қилишнинг кадастр ва мониторинг олиб бориш фаолиятида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон республикаси ботаник-географик районларида 15 та турнинг тақсимланиши асосланган;

тадқиқот объектлари ценопопуляцияларининг тарқалиши акс эттирилган ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда замонавий усуллар қўлланилганлиги, илмий ёндашувлар асосида олинган маълумотлар ва натижаларнинг бир бирига мослиги, натижаларнинг нуфузли илмийнашрларда чоп этилганлиги, диссертация амалий натижаларининг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, дала тадқиқотлари давомида йиғилган бирламчи материаллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника Институтининг Миллий гербарийси фондида сақланаётганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* туркуми турлари ценопопуляцияларининг ҳолатининг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этилганлиги, турлар онтогенезининг тавсифланганлиги, онтогенетик структураларнинг аниқланганлиги, ценопопуляцияларнинг баҳоланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ценопопуляцияларнинг тарқалиши ҳамда уларнинг замонавий ҳолатини акс эттирувчи хариталарни тузиш, узоқ муддатли мониторинг тадқиқотларини олиб боришда бирламчи манба сифатида хизмат қилиши, ўрганилган турлар ценопопуляцияларини муҳофаза қилиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* туркуми турларини таҳлил қилиш орқали олинган илмий натижалар асосида:

124 турга мансуб 380 нусхадаги гербарий намуналари ва *Dracocephalum* туркуми турларининг комплекс таҳлили бўйича тайёрланган электрон маълумотлар базаси Ботаника институти миллий гербарий (TASH) фондига тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 3 апрелдаги 4/1255-1021-сон маълумотномаси). Натижада намуналар гербарий фондини ва FLORUZ маълумотлар базасини бойитиш, турлар таркибини аниқлаштириш ва систематик таҳлил қилиш имконини берган;

“Ўзбекистон флорасидаги *Dracocephalum* туркуми турлари маълумотлар базаси”дан Жиззах вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат бошқармасида камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг популяцияларини аниқлашда ва ўсимликлар кадастрини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 23 апрелдаги 03-03/1-2084-сон маълумотномаси). Натижада туркум турларининг антропоген ва биотик омиллар таъсирида камайиб бораётганлигини аниқлаш имконини берган;

Dracocephalum туркуми турлари иштирок этган ўсимлик жамоалари таснифи Зомин миллий табиат боғи, Зомин ва Нурота давлат қўриқхоналарида турларнинг популяцияларини аниқлаш ва ўсимликлар мониторингини ўтказишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2019 йил 9 декабрдаги 05/21-4238-сон маълумотномаси). Натижада ўрмонлар ўсимлик қопламида тарқалган камёб ва йўқолиб бораётган *Dracocephalum diversifolium*, *Dracocephalum nuratavicum* ва *Dracocephalum scrobiculatum* турларининг эколого-ценотик хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 87 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“*Dracosephalum* туркуми турлари бўйича олиб борилган ботаник тадқиқотлар, объект ва методлар”** деб номланган туркумнинг таксономияси, дунёда, Марказий Осиё ва Ўзбекистонда *Dracosephalum* туркуми бўйича олиб борилган ботаник тадқиқотлар таҳлили, тадқиқотнинг объект ва методлари баён этилган.

Бобнинг биринчи қисмида берилган *Dracosephalum* туркумининг қисқача таксономияси А.Л. Буданцев(1993) таклиф этган таснифга кўра келтирилган. Миллий Гербарий (TASH) ва М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети қошидаги (MW) гербарий фондида сақланаётган Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудлардан терилган гербарий намуналари танқидий таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари ва дала тадқиқотлари Ўзбекистон флорасида *Dracosephalum* туркуми турларининг 15 тури тарқалганлигини асослайди.


Бобнинг иккинчи қисмида **“*Dracosephalum* туркуми турлари бўйича олиб борилган ботаник тадқиқотлар”** деб номланган иккинчи бўлимида *Dracosephalum* туркуми бўйича МДХ давлатлари ва Ўзбекистонда олиб борилган дастлабки тадқиқотлар таҳлил қилинган. Рус олимлари томонидан Ўзбекистонда олиб борилган ботаник экспедициялар давомида кашф этилган турлар, уларнинг муаллифлари, энг сўнгги кашф этилган турлар тасниф этилган.

Шунингдек, МДХ давлатларида Сибир флорасида онтогенези Г.Р. Денисова (2011), Болқон ярим оролида тарқалиши П. Лазаревич (2009), маданий турларига табиий ва экологик омилларнинг таъсири М.Ю. Лавруков (2012), ўстириш агротехнологиялари Е.А Калинина (2012), интродукция шароитида уруғ ҳосилдорлиги Л.А Котюк (2014), фитокимёвий таркиби ва дориворлиги А.С.Никитина (2008), М.А Мяделец (2008), Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳри

шароитида экилган турларнинг биологияси Г.Н. Паршина (2009) ишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг учинчи бўлимида тўпланган материал ҳажми, тадқиқот объекти, намуналарни йиғиш усуллари баён этилган, тадқиқот услублари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “*Dracoscephalum* туркум турларининг географик, экологик, фитоценотик таснифи” деб номланади. Биринчи қисмида туркум турларининг географик хусусиятларига бағишланган. Унда Ўрта Осиё мамлакатлари флораларида туркумнинг бир текис тарқалмаганлиги, хусусан, Қирғизистон Республикасида (2016) - 18 тур, Тожикистон Республикасида (1986) - 13 тур, Қозоғистон Республикасида (2001) - 22 тур, Туркменистон Республикасида (1954) - 1 тури учраши келтирилган (1-расм).




1-расм. *Dracoscephalum* туркум турларининг Ўрта Осиё флораларида тарқалиши

Ўзбекистон республикаси флорасидаги *Dracoscephalum* туркуми турларининг сони бўйича Тожикистон ва Туркменистон республикаларида тарқалган туркум вакилларида устун туради. Шу билан бир қаторда Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари флорасидаги турлар сонига қараганда кам. Ўзбекистон Республикасининг майдони (448978 км²) Қозоғистон Республикаси майдонидан (2724 902 км²) деярли 6 марта кичик эканлигини ҳисобга олсак, туркум турларининг сони Ўзбекистон Республикасида кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунга асосий сабаблардан бири Ўрта Осиё тоғлари кўпчилик ўсимлик турларининг келиб чиқиш маркази ҳисобланади.


Туркум турларининг Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари бўйлаб тақсимланишини таҳлил қилиш натижасида ФарбийТиён-Шон округида 11 та (шундан 10 та Фарбий Чотқолда), Фарғона-Олой округида 5 та (Фарбий Олой), Фарбий Ҳисор округида 4 та, Кухистон округида 3 та, Нурота округида 2 та туркум

турларитарқалганлиги аниқланди(2-расм).



2-расм. Ўзбекистоннинг ботаник-географик округларида турларнинг тарқалиши

Миллий Гербарий (TASH) ва М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети қошидаги (MW) гербарий фондида сақланаётган гербарий намуналарини таҳлил эти ш асосида туркум турларининг Ўзбекистон республикаси ҳудудида тарқалиши ГАТ харитаси Google Earth ва ArcMap 10 дастури ёрдамида яратилди (3-расм).



3-расм. *Dracoscephalum* туркуми турларининг Ўзбекистон республикаси ҳудудида тарқалиш ГАТ харитаси

Турларнинг ҳаётий шакллари бўйича таснифи С. Raunkiaer (1934) тизими асосида амалга оширилган. Биоморфологияси бўйича олиб борилган таҳлилларда экобиоморф хусусиятларга эътибор қаратилди. Ўсиш формаси, илдизининг чуқурликка кириб бориши ва йўналиши, қишлош усули ва ўсиш шароитига қараб гуруҳларга ажратилди. Ўсиш формасига кўра, туркум турлари хамефит ва гемикриптофит ўсимлик гуруҳларига фарқланади.


Ўсиш шароитга мослашган биоморфологик хусусиятлари уларнинг илдизи субстрактга чуқур кириб борганлиги, баргларининг майда ва қалин туклар билан қопланганлиги, барг четларида қозиксимон тишларнинг ҳосил бўлишида намоён бўлганлиги келтирилган.

Бобнинг учинчи бўлимида туркум турларининг фитоценотик хусусиятлари баён этилган. Фитоценотик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида 2016-2018 йиллар мобайнида Фарбий Тиён-Шоннинг Пском, Угом, Чотқол ва Помир Олойнинг Нурота, Туркистон тизмаларида *Dracocephalum* турлари иштирок этган тўққизта жамоаси тавсифланди.

Жамоалар таркибида 40-60% кўп йиллик ўсимликларнинг учраши Ўрта Осиё тоғли ҳудудлари учун хос хусусиятдир. Тавсифланган 9 та жамоа таркибида дарахтлардан 5 (2,52 %) тур, бута ва бутачалардан 12(6,06 %) тур, яримбута ва яримбутачалардан 8 (4,04 %) тур, кўп йиллик ўт ўсимликлардан 144 (72,7 %) тур, икки йиллик ўтлардан 8 (4,04 %) тур, бир йиллик ўтлардан 21(10,6 %) тур, жами 198 тур учраши аниқланган.

Бобнинг тўртинчи бўлимида *Dracocephalum diversifolium*, *Dracocephalum nuratavicum* турларининг онтогенези баён этилган. Турларнинг онтогенези ўсимта, ювенил, имматур, виргинил, генератив этапларда тадқиқ этилди.

Dracocephalum nuratavicum онтогенези Нурота тизмаси Ҳаётсойнинг Андибараут дараси ҳудудида, ҳар хил ўтли-суғди шувоқзор ўсимликлар жамоасида ўрганилди. Турлар табиий ҳолатда кузатиш майдончаларида қиёсий морфологик текшириш усулларида тадқиқ этилди. *Dracocephalum nuratavicum* табиатда онтогенетик босқичларини кузатиш орқали келтирилган таҳлиллар натижасида турни ўсимта, ювенил, имматур, вергинил, генератив ва сенил ҳолатлари фарқланиши аниқланди(4-расм).




4-расм. *Dracocephalum nuratavicum* морфогенези

Dracosephalum nuratavicum морфогенези дастлабки босқичларида ҳаётий шаклининг белгилари намоён бўлади. Яъни поя ва илдизнинг бирлашган жойи кенгайиб каудекс ривожланиб боради. Ўсимта бошланғич баргининг шакли генератив ўсимлик барглари кўринишини акс эттиради.

Туркистон тизмаси Зомин миллий табиат боғи ҳудудида *Dracosephalum diversifolium* онтогенетик ҳолатлари ва биоморфологияси тадқиқ этилди.

Ушбу турнинг онтогенетик босқичлари *Dracosephalum nuratavicum* каби боради, фақат илдиз тизимида каудексининг ингичка бўлиши ва илдизининг ён томонга чуқур кириб бориши билан фарқланади. Ривожланиш куртакларининг кам бўлишини, ер устки қисми пояларининг сийраклигидан англаш мумкин. Ўсимта ҳолатида бир жуфт майда уруғпалла барглари тескари тухумсимон шаклда бўлади. Барг четлари дўнг қиррали бўлиб, вояга етган ўсимлик барглари каби белгиларни намоён қилади. Генератив ҳолатдаги тупларда вегетатив ва генератив пояларнинг бирдек учраши аниқланди (5-расм)

Бобнинг бешинчи бўлимида *Dracosephalum diversifolium* ва *Dracosephalum nuratavicum* популяцияларининг демографик тавсифи берилган. Турларнинг популяцион ҳаётини ўрганиш учун квадрат шаклдаги, трансекталар кўринишидаги ҳисоблаш майдончалари белгиланган, уларда тадқиқот бир неча мартаба олиб борилган.




5-расм. *Dracosephalum diversifolium* морфогенези

Квадрат майдончалар ценопопуляцияларидаги онтогенетик таркиби ва зичлиги аниқланган. Туркум турларининг демографик тавсифи 2016-2018 йилларнинг май-июль ойларида Туркистон тизмаси шимолий ёнбағирликларида жойлашган Зомин Миллий Табиат Боғи ва Зомин Давлат Кўрикхонаси, *Dracosephalum nuratavicum* тури эса Нурота тизмаси ҳудудларида ўрганилган. Тадқиқот давомида ценопопуляцияларнинг ёш ҳолати аниқланди.


Зомин миллий боғи ҳудудининг Қашқасув ўнг оқими Чортанги майдонида аниқланган ценопопуляцияда 2 тадан градиент, Ўрикисойнинг чап оқими, ғарбий ёнбағирда жойлашган ценопопуляцияда ҳам 2 тадан градиент ўрнатилди. Қашқасу 1-градиентасидаги ценопопуляциянинг ёш ҳолати демографик кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди. Ушбу ценопопуляциядаги жами

индивидларнинг зичлиги 2016 йилда 58,5 дона/м² ни, 2017 йилда 48,4 дона/м² ни, 2018 йилда 50,9 дона/м² ни ташкил қилди. Бундан Қашқасу ценопопуляциясида 2016 йилда 585 дона, 2017 йилда 726 дона, 2018 йилда 764 дона *Dracosephalum diversifolium* ўсганлиги маълум бўлди (6-расм).



6-расм. Қашқасу 1-градиента ценопопуляциясининг ёш ҳолати

Нурота тизмасида Андибараут-1, ценопопуляциянинг 1-градиентаси санок майдончаларидаги *Dracosephalum nuratavicum* нинг ёш ҳолати аниқланди. Бу майдончада ўсимликнинг генератив ҳолати камайганини кўриш мумкин (7-расм).




7-расм. Андибараут 1-градиента ценопопуляциясининг ёш ҳолати

Ушбу ценопопуляциядаги жами индивидларнинг зичлиги 2016 йилда 54,2 дона/м² ни, 2017 йилда 68,4 дона/м² ни ташкил қилди. Бундан Андибараут ценопопуляциясида 2016 йилда 242 дона, 2017 йилда 210 дона *Dracocephalum puratavicum* Adylov ўсганлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг учинчи бобида “*Dracocephalum* туркуми турларининг фитокимёси, халқ хўжалигидаги аҳамияти” деб номланган *Dracocephalum diversifolium* курук ер устки қисми кимёвий таркиби ўрганилганлиги баён этилган. Бунда ўсимлик ер устки қисмидан эфир мойи биринчи маротаба гидростиляция усули билан олинганлиги ва унинг таркибидан 50 та учувчан бирикма газ хроматографияси-масса - спектрал таҳлил орқали аниқланлиги келтирилган. Илк маротаба Ўзбекистонда *Dracocephalum diversifolium* бензинли экстракти кимёвий таркиби ўрганилган ва унинг таркибидан 30 та бирикма ажратиб олинган. *Dracocephalum diversifolium* эфир мойи ва бензинли экстракти таркибий қисмларининг қиёсий таҳлили ўтказилди, бу ҳар бир намунага доминант таркибий қисмларни белгилашга имкон берди. *Dracocephalum diversifolium* ўсимлигининг ер устки қисми этилацетатли фракцияси таркибидан флавоноид апигенин-7 ва акацетин 7-гликозид (6) ажратиб олинди. Мазкур флавоноиднинг тузилиши ЯМР спектрлари асосида тасдиқланди.

Туртинчи бобда “Ўзбекистон флорасида тарқалган *Dracocephalum* L. туркуми турларининг маълумотлар электрон базаси” деб номланган тадқиқот ишини электрон шаклга келтирилганлиги, базадаги маълумотлар келажада илмий тадқиқотлар, Ўзбекистон флорасининг ягона тизимли FLORUZ. маълумотлар базаси учун хизмат қилиши келтирилган (8-расм).



8-расм. Маълумотлар электрон базасининг бош менюси.

Мазкур электрон маълумотлар базаси 2016-2018 йилларда олиб борилган дала тадқиқотларида тўпланган маълумотлар, Ўзбекистон Миллий гербарий TASH фондида сақланаётган гербарий намуналарини таҳлил қилиш ва шу йилларга қадар чоп этилган адабиётларда келтирилган маълумотларни ўрганиш натижалари асосида амалга оширилди. База уч тилда узбек, рус ва инглиз тилларда яратилган бўлиб, қайта ишлаш ва тўлдириш имкониятига эга.

ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* туркуми турларининг географияси, экологияси ва аҳамияти» мавзусидаги докторлик диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Дала тадқиқотлари давомида терилган ва TASH, MW гербарий фондларидаги гербарий намуналари таҳлил этилди. Таҳлил натижасида Ўзбекистон флорасида туркум турларининг 15 тури тарқалганлиги билан изоҳланади.

2. *Dracocephalum adylovii* TASH гербарий фондида сақланаётган намуналари морфологик, систематик белги ва хусусиятларига кўра таҳлил этилди. Ушбу тур *Calodracon* секцияси *Imberia* қаторига мансублиги билан изоҳланади.

3. Туркум турлари Ўзбекистон ботаник-географик районларининг ҒарбийТиён-Шон округида 80 % (шундан 66,6 % ни Ғарбий Чотқол райони), Фарғона-Олой округида 33,3 %, Ғарбий Ҳисор округида 26,6 %; Куҳистон округида 20%; Нурота округида 6,6 % учрайди. Ғарбий Тиён-Шон округи ҳудудларидаги намлик ва рельеф омиллари турларнинг ўсиши учун қулай шароит яратади;

4. Туркум турларининг фитоценозида ҳаётий шакллари дарахт (5 та), бута ва бутача (12 та), ярим бута ва ярим бутача (8 та), кўп йиллик ўтлар (144 та), икки йиллик ўтлар (8 та), бир йиллик ўтлар (21 та) бўлган жами 198 турдаги ўсимлик учрайди;

5. Турлар учун оптимал ўсиш ҳудудлари денгиз сатҳидан 1200 - 2400 м баландликда жойлашган майда тошли, шағалли енгил гил тупроқли жанубий ёнбағирларҳисобланади;

6. Туркумнинг *Dracocephalum diversifolium* ва *Dracocephalum nuratavicum* турлари биоморфологик хусусиятлари табиатда онтогенетик услуб ёрдамида аниқланди. Турларнинг ўсимта, ювенил, имматур, вергинил, генератив ва сенил босқичларида морфогенези ўрганилган. Бунга кўра, *Dracocephalum diversifolium* ва *Dracocephalum nuratavicum* турларининг ҳаётий шакл хусусиятлари онтогенезининг дастлабки босқичларида намоён бўлиши изоҳланади.

7. *Dracocephalum diversifolium* ценопопуляцияларининг демографик кўрсаткичлари Туркистон тизмаси Зомин миллий боғи ва Зомин давлат кўриқхонаси ҳудудларида тасниф этилганда, генератив ва виргинил онтогенетик ҳолатидаги индивидлар кўп учраши аниқланди. Бу ценопопуляциялар нормал типдаги бир чўққили эканлигини кўрсатади, уларнинг ёш ҳолати эса марказлашган спектрдан иборат. *Dracocephalum diversifolium* бу фитоценозларда узоқ вақт давомида ўз ҳолатининг турғунлигини сақлаб қолиши билан изоҳланади.

8. *Dracocephalum nuratavicum* ценопопуляцияларининг демографик кўрсаткичлари Нурота тизмаси Ҳаётсой ҳавзаси, Андибараут дараси ва Душаксойда иқлимнинг ўзгариши ва антропоген таъсир натижасида турнинг популяция зичлиги камайиб кетаётганлиги аниқланди. *Dracocephalum*

nuratavicum эндем тур эканлиги ва камайиб бораётган тур мақомида Ўзбекистон республикаси “Қизил Китоби” ига киритишга асос бўлади.

9. *Dracocephalum diversifolium* нинг куруқ ер устки қисми эфир мойи таркибидан 50 та, бензинли экстрактидан 30 та компонент ажратиб олинди. Ушбу компонентларнинг асосий таркибини монотерпенлар сабинен (20,7 %), β -пинен (10,64 %), *d*-лимонен (7,52%), изокариофиллен (6,65 %), 1,8-цинеол (17,01%), *d*-кадинен, α -аморфен (8,69 %), аромадендрен (11,22 %) ва флавоноид апигенин-7 ва акацетин 7-гликозид ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD03.30.12.2019.В.91.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР САГДУЛЛАЕВНА

**ГЕОГРАФИЯ, ЭКОЛОГИЯ И ЗНАЧЕНИЕ ВИДОВ РОДА
DRACOSERHALUM. В УЗБЕКИСТАНЕ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/В101.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице guldu.uz Научного совета и на Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хожиматов Олимжон Каххарович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тухтаев Бобокул Ёркулович
доктор биологических наук, профессор

Абдураимов Озодбек Султанович
доктор философических наук (PhD)

Защита диссертации состоится «20» июня 2020 г. в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD. 03/30.12.2019.В.91.01 при Гулистанский Государственный Университет в зале заседаний Гулистанский Государственный Университет (Адрес: 120100, г. Гулистан, ул. 4 – микрорайон Тел.: (+99867) 225–39–25, факс (+99867) 225–39–25, E-mail: glinfo@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Гулистанский


Государственный Университет (зарегистрировано за № 1). Адрес: 120100, г. Гулистан, ул. 4–микрорайон Тел.: (+99867) 225–39–25

Автореферат диссертации разослан «15» июня 2020 года
(реестр протокола рассылки № 2 от «15» июня 2020 г)




Х.К. Каршибаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор


Ф.П. Гаибназарова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.б.н (PhD), доцент


С. Дадаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день интенсивно использование природных ресурсов для различных экономических, социальных и бытовых целей приводит к изменениям и сокращению биоразнообразия. Данное положение приводит к уменьшению видов растений, сокращению флоры, трансформации и снижению их биологической продуктивности. Поэтому исследование биоразнообразия флоры, регистрация ее видового состава, определение фитоценотического статуса, сохранение природных ресурсов имеют большое научное и практическое значение.

В мире особое внимание уделяется распространению, экологии и защите лекарственных, эфирных масел и редких видов растений. В этом цель исследования проводятся различные исследования по изучению биоразнообразия в разрезе регионов, выявления редких видов, сохранения и воспроизводства их природных ресурсов.

В республике проводятся научные исследования в рамках стратегии сохранения биологического разнообразия по интеграции сохранения и рационального использования биоразнообразия во все отрасли экономики и, как следствие, достигаются определенные результаты. Одной из приоритетных задач, определенных в стратегии, является создание единой информационной базы данных Государственного кадастра биоразнообразия на основе современных геоинформационных технологий (ГИС)². Особое внимание уделяется изучению состава флоры республики на основе современных методов исследования, оценке состояния растительного покрова, защите и устойчивому использованию, сохранению биологического разнообразия. В условиях стремительного развития флористических исследований и увеличения объема новых данных, важное значение имеют систематические исследования по сохранению биоразнообразия.

В Законе Республики Узбекистан №ЗРУ-409 «Об охране и использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 года, Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республика Узбекистан на 2017-2021 годы» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №914 «О государственном учете объектов животного и растительного мира, объеме их использования и государственном кадастре» от 7 ноября 2018 года, Постановлением Кабинета Министров от 12 октября 2018 года №1034 «О мерах по организации подготовки, издания и ведения Красной Книги Республики Узбекистан» данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий

²Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июня 2019 года № 484 «Стратегия сохранения биоразнообразия в Республике Узбекистан на 2019-2028 годы»

Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология, охрана окружающей среды».

